ХИНДИСТОНЛИК ХАКИМ ХИЗМАТИ

ФАРҒОНА. Вилоятдаги ногиронлар учун протезлар ва оёқ кийимлари тайёрловчи "Уста" жамоа корхонасида ҳиндистонлик машҳур ортопед-профессор Болу Шанкаран ўз шогирдлари билан ногиронларга протезлар қўймоқда. Ҳозирга қадар 25 нафар ногиронга протез қўйди. Махсус таянч мосламалар ҳар жиҳатдан қулай бўлиб, улар санитария талабларига жавоб беради. Яқинда "Уста" жамоа корхонасида бўлиб ўтган йиғилишда фарғоналиклар беғараз ёрдам учун ҳиндистонлик биродарларга миннатдорлик сўзлари айтишди.

• Алишер ИБОДИНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

ЭККАНИНГНИ ЎРАСАН

ҚАШҚАДАРЁ. Аслида бу нақл деҳқон бобокалонларимиз юрагида туғилган. Ғўзорлик ғаллакорлар бу нақлнинг мағзини чақиб, аччиқ сабоқдан хулоса чиқариб олишди. Негаки, кузнинг ноқулай келиши, сув тақчиллиги натижасида бу йил кам ҳосил олинди. Эндиликда 32 минг, шундан 11,5 минг гектари суғориладиган майдонга тезроқ дон уруғи ташлаш, ниҳолларни кўкартириб олиш учун кураш кетяпти. Далаларда 60 та сеялка ишлаяпти. Кузги дон экиш А.Тўранқулов номли, Улуғбек номли, "Тоҳир-Зуҳра", "Навбаҳор" хўжаликларида намунали уюштириляпти. Асосан саралланган, серҳосил "Санзор —4-8" навли буғдой уруғлари сепиляпти.

Юнус УЗОҚОВ.

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ОРТИК ОТАНИНГ САХОВАТИ

БУХОРО. Олотлик саховатли инсон Ортиқ ҳожи Жўраев ҳамиша савобли ишларнинг бошида туради. Яқинда у ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан 15 минг сўмлик дори-дармонни сотиб олиб, туман шифохонасига ҳадя этди. - Улуғ ўтмишдошимиз Аҳмад Яссавий айтганларидек, мол-дунё йиққан билан фойда йўқ, - дейди Ортиқ ота. — Уни эл-улус билан баҳам кўрганга худо баракасини ёғдиради. Ахир бир қўлинг ёпиқ бўлса, иккинчиси очиқ бўлганига не етсин.

• Даврон БАҲРОНОВ.

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР

КЎП ТАРМОҚЛИ ФИРМА

АНДИЖОН. Икки йил илгари Маматиброҳим Тўйчиев "Тўйчи ота ишлаб чиқариш фирмаси"ни ташкил этган эди. Бу фирма аҳолига 10 турдаги хизмат кўрсатади. Унда тўқиш, тикиш, қандолатчилик ишларини амалга оширувчи 120 киши иш билан таъминланди.

Қаноат ТИЛЛАХЎЖАЕВА.

СЎНГГИ СОАТДА

ХИЁБОН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

НАВОИЙ. Вилоятнинг Конимех туманида буюк соҳибқирон Амир Темурга атаб "Амир Темур" хиёбони ташкил этилиб, соҳибқирон бюсти ўрнатилди. Тантанали кечада вилоят ҳаваскорлари томонидан катта концерт дастури ҳавола қилинди.

Мухтасархон КАРИМОВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 22 октябрь, сешанба № 136 (22.057).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ: ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ IV УЧРАШУВИ





СУРАТЛАРДА: туркий тилли давлатлар Президентлари; Тошкент декларациясини имзолаш пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Қардош халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётган бу анъанавий учрашувда иштирок этиш учун Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурот Ниёзов, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатимиз пойтахтига ташриф буюрдилар. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

21 октябрь куни Дўрмон қароргоҳида туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов учрашувни очиқ деб эълон қилар экан, кун тартибига давлатлараро гуманитар ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг тамойиллари ва ташкилий масалалари ҳақидаги, туркий тилли давлатлар муҳим саналарини байрам қилиш ҳақидаги, шунингдек, Тошкент Декларациясини қабул қилиш ва туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви ўрни ва муддатини белгилаш тўғрисидаги масалалар қўйилганини маълум қилди.

Қайд этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов сўзладилар.

Қардош давлатлар раҳбарлари туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар турли соҳаларда муваффақият билан ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этдилар. Бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ёқлаб фикр билдирдилар. Қардош халқларнинг муҳим тарихий саналарини биргаликда нишонлаш уларнинг ўзлигини англашида ва маънавий бирлигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада тараққий эттиришда коммуникация тармоқларини мустаҳкамлаш ва йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, бу борада ҳамкорликни янада ривожлантиришни ёқлаб фикр билдирдилар.

Учрашув ниҳоясида қардош давлатлар Президентлари олий даражадаги анжуманнинг муҳим натижаси бўлган Тошкент Декларациясига имзо чекдилар. (Бу ҳужжат матбуотда эълон қилинмоқда).

Учрашувда туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувини 1997 йилнинг тўртинчи чорагида Қозоғистон пойтахтида ўтказишга келишиб олинди.

Олий даражадаги учрашув тугагач, Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Озарбойжон Президенти Ҳ. Алиев, Туркия Президенти С. Демирэл, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Қирғизистон Президенти А. Акаев, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев журналистлар билан учрашиб, уларни олий даражадаги анжуман якунлари билан таништирди. Президентлар журналистларнинг турли саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

СУЛАЙМОН ДЕМИРЭЛ ТОШКЕНТДА



СУРАТДА: яккама-якка суҳбат пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл 20 октябрь куни туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги IV учрашувида қатнашиш учун Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Шу куни Дурмондаги қароргоҳда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Икки қардош давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Туркий тилда сўзлашувчи халқлар давлат раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтажак IV учрашуви азалдан қондош ва биродар халқлар дўстлигини мустаҳкамлашига қатъий ишонч билдирилди.

Президент Сулаймон Демирэл Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасига ҳам ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистонда фаолият юритаётган турк ишбилармонлари билан учрашув бўлиб ўтди.

21 октябрда эса Туркия давлат раҳбари Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов ҳамроҳлигида Тошкентда Туркиянинг «Ай сел» фирмаси бунёд этган «Интерконтинентал» меҳмонхонасига келди. Қисқа вақт ичида қурилиб, дастлабки меҳмонларни қабул қила бошлаган 12 қаватли бу меҳмонхонада меҳмонларга яратилган қулайликлар билан танишди.

Олий мартабали меҳмон, шунингдек, пойтахтимиз марказидаги «Шарқ—Мир» ўзбек-турк қўшма корхонасининг «Мир»супермаркетида ҳам бўлиб, турк ишбилармонларининг Ўзбекистонда амалга ошираётган ишлари билан танишди.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1995 йил 28 августда Бишкекда олий даражадаги учрашувда қабул қилинган қарорга мувофиқ 1996 йил 21 октябрда Тошкентда олий даражадаги тўртинчи учрашувни ўтказдилар.

Улар:

Анқара баёноти, Истанбул ва Бишкек декларациялари ўзвийлигини тасдиқлаб;

турк тилида гаплашувчи давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик турли соҳаларда тез ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб;

тинчликни, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида ҳаракат қилиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қоидаларига содиқликни яна бир бор таъкидлаб;

мустақиллик, истиқлол, ҳудудий яхлитлик, чегаралар дахлсизлиги, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликни ҳурмат қилиш қоидаларига асосланиб;

қардошлик алоқаларини янада ривожлантиришга интилиб;

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва меъёрларига мувофиқ равишда халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга доир ўз мажбуриятларига риоя этиб;

ўз мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати ва ҳамкорлик истиқболларини кўриб чиқиб, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикрлашиб,

қуйидагиларни маълум қиладилар:

1. Давлат бошлиқлари ўз мамлакатлари ўртасида турли соҳаларда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг ривожланишидан мамнуният изҳор қилдилар ва уларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурлигини таъкиладилар.

2. Давлат бошлиқлари демократия, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва бозор иқтисодиёти тамойилларига қатъиян ва доимий содиқликларини яна бир бор тасдиқлайдилар.

3. Давлат бошлиқлари фан, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликдан катта мамнуният изҳор қилиб, ўз мамлакатлари ўртасидаги бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ҳамда туркий халқларнинг буюк маданий-тарихий меросини оммалаштиришни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари **Турксўй** ташкилоти олдида туркий тилли мамлакатлар халқларининг маданияти, тили ва маънавий қадриятларининг муштараклилигига асосланган ҳамкорликни янада ривожлантириш соҳасида муҳим вазифалар турганини таъкидладилар ва бу ташкилотнинг таъсирини оширишни зарур деб ҳисоблайдилар.

4. Давлат бошлиқлари Тошкентдаги олий даражадаги тўртинчи учрашув буюк Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи кенг байрам қилинаётган даврда ўтаётганини эътиборга олиб, туркий тилли халқларнинг тарихи ва маданиятига улкан ҳисса қўшган жаҳон аҳамиятига молик буюк шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ унутилмас саналарни биргаликда байрам қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидладилар.

Давлат бошлиқлари **Турксўй** ташкилотига туркий маърифат билан боғлиқ тарихий саналар жадвалини ишлаб чиқишни, бу саналарни байрам қилишга маданият соҳасидаги халқаро ташкилотларни, биринчи навбатда ЮНЕСКОни жалб этиш имкониятларини ўрганиш вази-

(Давоми 2-бетда).

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

СУРАТДА: аэропортда кутиб олиш пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов 21 октябрь куни Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналарида иштирок этиш учун Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков кутиб олди.

Миллий либосдаги қизлар Президент Имомали Раҳмоновга анвойи гуллар ҳадя этишди.

Президент Имомали Раҳмоновни кутиб олиш чоғида Тожикистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тожиддин Мардонов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН–ПОКИСТОН: МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ

19 октябрь куни «Дўрмон» қароргоҳида Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси ва Президент Фаруқ Аҳмадхон Легҳарий бошчилигидаги Покистон Ислом Республикаси расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида тарихи, дини, анъаналари уйғун бўлган Ўзбекистон ва Покистон халқларининг азалий дўстлиги ва ҳамкорлиги янгича ҳуқуқий асосда тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди. Жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқалар кун сайин ривож топмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида Ўзбекистон ва Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми 15 миллион доллардан ошиб кетди. Ҳозир мамлакатимизда 148 та Ўзбекистон—Покистон қўшма корхоналари фаолият кўрсатаётир. Бироқ, музокараларда бу рақамлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларини ўзида тўла акс эттирмаслиги ҳам қайд этилди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатимиз энергетика, ирригация, пахтачилик, кимё саноатини ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳаларида Покистонга кўмак таклиф қилиши, ўз навбатида покистонлик мутахассисларнинг тўқимачилик, енгил саноатни тараққий эттиришда, банк ва сайёҳлик соҳаларида Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириши мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда икки мамлакат ўртасида коммуникация тармоқларини кенгайтириш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ана шу боис бу расмий делегациялар музокараларининг асосий мавзуларидан бири бўлди. Маълумки, ушбу масала қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши билан чамбарчас боғлиқ. Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бу муаммога муносабатини баён қилар экан, мамлакатимиз БМТ ҳомийлиги остида Афғонистондаги барча сиёсий кучлар ўртасида тинч музокаралар ўтказилиши, бу жабрдийда заминдаги барча миллий-этник гуруҳлар манфаатини ҳимоя қилувчи вакиллардан иборат миллий яраш ҳуқуматининг тузилиши тарафдорилигини таъкидлади. Бу мамлакатга қурол-яроғ сотишни таъқиқлаш, унинг ички ишларига аралашмаслик Афғонистоннинг ҳудудий яхлитлигини ва миллий суверенитетини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Покистон Президенти Фаруқ Аҳмадхон Легҳарий ўз мамлакати билан Ўзбекистоннинг кўплаб минтақавий ва халқаро муаммоларга муносабати муштараклигини қайд этди. Жумладан, Президент Ислом Каримовнинг Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, мамлакат халқини тинч бунёдкорликка жалб этиш борасида билдирган фикрларини, жумладан қурол-яроғ эмбаргоси эълон қилиш ташаббусини ҳам қўллаб-қувватлашини айтди. Ўзбекистон ва Покистонни боғлайдиган коммуникация тармоқлари қурилиши борасидаги Ислом Каримов билдирган фикрларни ҳам қўллаб-қувватлади.

Покистон давлат раҳбари ташриф чоғида Президент Ислом Каримовнинг оқилона раҳ-

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

фасини топширди. Буюк турк ҳоқонлигининг 1450 йиллигини биргаликда ўтказиш имкониятлари ўрганилсин ва туркий тилли давлатлар бошлиқларининг V учрашувига шу масалага доир тадбирлар режаси тайёрлансин.

5. Давлат бошлиқлари туризм йуналишлари тармоғи ҳамда шунга мувофиқ равишда туризмнинг инфра тузилмаларини унинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган турли шаклларини кенгайтириш мақсадида, «Ипак йўлини қайта тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатлар маданий меросини қайта тиклаш, сақлаб қолиш ва мунтазам ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

6. Давлат бошлиқлари ахборотларни айирбошлаш соҳасида вужудга келган ижобий тамойилларни мамнуният билан қайд этадилар ва туркий халқларнинг буюк маданий-тарихий меросини тарғиб қилиш, оммалаштириш ва ёйишда ўз мамлакатлари оммавий ахборот ва алоқа воситаларининг биргаликдаги ҳаракатларини кучайтириш зарур деган фикрни билдирдилар.

Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларининг халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва турли соҳалардаги тажрибани айирбош қилиш мақсадида туркий тилли давлатлар маҳаллий бошқарувлари ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга аҳд қилдилар.

7. Давлат бошлиқлари туркий тилли давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлигини барча чоралар билан ривожлантириш, турли даражадаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий интеграция жараёнларига қўмаклашиш, ўзаро савдо-сотиқдаги ғовларни бартараф этиш ва жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахслар хўжалик алоқаларини амалга ошириши чоғида ўзларининг халқаро мажбуриятларига путур етказмаган ҳолда товарлар, хизматлар, сармоя ва ишчи кучининг ягона бозорини барпо этиш мақсадида, улар учун қулай ҳуқуқий режим ўрнатишни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари тегишли давлат тузилмалари божхона ва транзит тадбирларини янада соддалаштириш, ўзаро савдо-сотиқни, молия ва банк операцияларини чеклаётган ва қийинлаштираётган ғовларни бартараф этиш чораларини кўришлари зарур деб ҳисоблайдилар.

8. Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларининг бой табиий ресурсларини, биринчи навбатда табиий газ, нефть ва гидро энергетика ресурсларини ишга солишнинг ва қазиб чиқаришнинг ғоят муҳимлигини яна бир бор таъкидлайдилар. Улар энергия манбаларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун қувурлар ётқизиш ва электр линиялари қуриш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, бу лойиҳаларга манфаатдор давлатларни, халқаро молия ташкилотларини, давлат тузилмалари ва хусусий тузилмаларни жалб этиш юзасидан шошилинч чоралар кўришни маъқулладилар.

Давлат бошлиқлари Туркия орқали Ўрта денгиз соҳилларига ва Европага нефть-газ қувурлари ётқизиш билан боғлиқ бўлган ва тегишли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан бажарилган ишни мамнуният билан қайд этадилар.

9. Давлат бошлиқлари минтақада иқтисодий нақлиёт тизимларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб, Транскавказ йўлагини ишга солган ҳолда транзит ва темир йўл алоқаси бўйича Сарас тўрт томонлама аҳдномасини (1996 йил) тезроқ амалга оширишни маъқулладилар ва Трасек лойиҳалари бўйича Европа Иттифоқи саъй-ҳаракатларини маъқулладилар.

Шунингдек, улар «Шимол-Жануб» транспорт йўлагининг бир қисми сифатида Ҳинд океанига чиқадиган «Марказий Осиё—Афғонистон — Покистон» транспорт йўлини барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

10. Давлат бошлиқлари БМТ тараққиёт дастурини, жаҳон банкини, жаҳон валюта жамғармасини ва минтақа тараққиёт банкларини ўтиш даврида туркий тилли мамлакатларнинг ҳар бири учун ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириб, янада фаол ҳаракат қилишга чақирадилар.

11. Давлат бошлиқлари:

— базис ва махсус таълим сифатини оширишга, меҳнат кўникмалари ва касб тайёрлигини ривожлантиришга ҳамда малака оширишга алоҳида аҳамият бериб, маблағ ва инсоний ресурсларни ишга солиш йўли билан;

— фақат рақобатбардошли маҳсулот яратибгина қолмай, айниқса, кичик ва ўрта бизнес соҳасида иш жойларини ҳам барпо этадиган янги технологияларни оммалаштиришга кўмаклашиш йўли билан ўз мамлакатлари иқтисодий юксалишини рағбатлантиришга қаратилган чораларнинг самарадорлигини оширишни маъқулладилар.

12. Давлат бошлиқлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарблигини яна бир бор таъкидладилар ва Орол денгизи атрофидаги экология вазиятини барқарорлаштириш юзасидан халқаро миқёсда қатъий чоралар кўришга чақирдилар.

13. Давлат бошлиқлари наркотик ва психотроп моддаларни ғайриқонуний ишлаб чиқариш, уларга талаб ҳамда бундай моддалар оборотининг қўламлари ва ўсиш тамойилидан, шунингдек уларни ғайриқонуний равишда ташиш учун туркий тилли давлатлар ҳудудидан фойдаланиш мумкинлигидан ташвишланаётганликларини изҳор этиб, бангфурушликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширишга, шунингдек, наркотик моддалар оборотини назорат қилиш бўйича халқаро сиёсатга кўмаклашишга қатъий бел боғлаганликларини тасдиқлайдилар. Шу муносабат билан ҳозирги асрнинг 90-йилларида, айниқса, авж олган уюшган жиноятчилик бангфурушлик ва терроризм билан мустаҳкам боғлиқлиги ва терроризм учун молиявий манба бўлиб қолаётганидан хавотирда эканликларини таъкидлайдилар.

14. Давлат бошлиқлари терроризм ва сепаратизмнинг янги жунбушидан жиддий ташвиш изҳор қилиб, терроризм, сепаратизм ҳолларини (ким томонидан ва қандай мақсадда амалга оширилишидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини жиддий равишда камситгани учун) қаттиқ қораладилар ва ана шундай ҳолларга қарши кураш мақсадида жаҳон ҳамжамияти қўраётган чора-тадбирларни тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар, уларни тезроқ ва кенг миқёсда амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар. Давлат бошлиқлари эндиликда чегара нималигини билмайдиган терроризм ва сепаратизмга қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг зарурлигини яна таъкидладилар.

15. Давлат бошлиқлари БМТ ҳамда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қоидаларини очиқдан-очиқ бузиш оқибатида юз берган можаролар давом этаётганидан чуқур ташвиш билдирдилар ва мазкур қоидаларга сира кечикмай риоя қилишга чақирдилар. Давлат бошлиқлари Арманистон билан Озарбойжон ўртасидаги можарони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарори асосида тинч йўл билан бартараф этиш зарурлигини тасдиқладилар ва бу можаронинг бартараф этилмагани минтақада тинчлик жараёнига, ишонч ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашга путур етказаётганини таъкидладилар.

16. Давлат бошлиқлари ўзаро маслаҳатлашувлар ва ташкилий-техник ишларни мунтазам ўтказиб туриш, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб, туркий тилли давлатлар бошлиқлари учрашувининг котибиятини тузиш тўғрисида келишиб олдилар. Котибият тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш Ташқи ишлар вазирликларига топширилди. Котибият зиммасига туркий тилли давлатлар бошлиқлари ва ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари учрашувларига материалларни тайёрлаш, туркий тилли давлатлар тили, маданияти ва ютуқларини тарғиб қилишга бағишланган семинарлар, конференциялар, симпозиумлар ўтказиш, туркий халқларнинг, ўтмишдаги ва ҳозирги пайтдаги ҳаёти тўғрисида тарихий-адабий манбаларни излаш, саралаш ва нашрга тайёрлашга доир вазифалар юклатилди.

17. Давлат бошлиқлари самимий ва дўстона вазиятда ўтган Тошкент учрашуви туркий тилли давлатлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақада барқарорлик ва тинчликни таъминлаш ишида шубҳасиз муҳим босқич бўлади, деб таъкидладилар.

Анқарадаги олий даражадаги учрашувнинг бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, давлат бошлиқлари навбатдаги учрашувни 1997 йилнинг тўртинчи чорагида Қозоғистон Республикаси пойтахтида ўтказишга келишдилар.

Ушбу декларация 1996 йил 21 октябрда Тошкент шаҳрида ҳар бири турк ва рус тилларидаги олти нусхада имзоланган.

Озарбойжон Республикаси Президенти
Ҳайдар АЛИЕВ

Қозоғистон Республикаси Президенти
Нурсултон НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти
Асқар АКАЕВ

Туркия Республикаси Президенти
Сулаймон ДЕМИРЭЛ

Туркманистон Президенти
Сапармурот НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН–ПОКИСТОН: МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ

(Давоми. Боши 1-бетда).

барлигида Ўзбекистон катта ютуқларни қўлга киритаётганига гувоҳ бўлганини, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бораётганининг таъкидлади. Таваллудининг 660 йиллиги жаҳонда, жумладан Покистонда ҳам кенг нишонланаётган соҳибқирон Амир Темур барпо этган салтанат, шунингдек, Алишер Навоий, Имом Бухорий, Нақшбандий яратган буюк маданий мерос нафақат Осиё, балки бошқа қитъалар халқларининг маънавий тараққиётига ҳам ижобий таъсир этганини айтди.

Музокаралар чоғида, шунингдек, икки мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро муассасалардаги фаолиятини мувофиқлаштириш, анъанавий тусга кирган турли халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ўзаро маслаҳатлашувларни давом эттириш, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Покистон Ислом Республикаси нефть ва табиий заҳиралар вазири Анвар Сайфуллахон икки мамлакат ўртасидаги наркотик воситалар ва психотроп моддалар ҳамда уларнинг кимёвий прекурсорларининг ноқонуний тарқалишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги, шунингдек, террорчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга имзо чекдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Покистон Президенти Фаруқ Аҳмадхон Легҳарий журналистлар билан учрашиб, уларни икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари якунлари билан таништирди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Покистон Ислом Республикаси Президенти Фаруқ Аҳмадхон Легҳарий мамлакат раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги боғга ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон улуғ бобомиз, шеърият мулкининг султони — ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

* * *

Шу куни Покистон Президенти Фаруқ Аҳмадхон Легҳарий Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамроҳлигида мамлакатимиз Олий Мажлисига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов олий мартабали меҳмоннинг республика парламентига ташрифи икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлади, дея умид билдирди. Олий Мажлис Раиси ҳар икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон парламент делегациясининг илк расмий ташрифи Покистондан бошланганги бежиз эмаслигини таъкидлади.

Покистон Президенти ўз мамлакати билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, ушбу алоқаларни янада ривож топтиришда ҳар икки мамлакат парламентларининг ўрни алоҳида эканини таъкидлади.

Учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Покистон Президенти Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ҳамроҳлигида пойтахт марказида қад ростлаган Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди.

Соҳибқироннинг шавкатли ҳаёти, Темурийлар даври ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар, қолаверса, миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган музей биноси меҳмонларда катта таассурот уйғотди. Покистон давлати раҳбари Фаруқ Аҳмадхон Легҳарий музейни ғоят қизиқиш билан кўздан кечиргач, ўзининг дил сўзларини эсдалик китобига ёзиб қолдирди.

* * *

Покистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамиятида ҳам бўлди.

Олий мартабали меҳмон корхона фаолияти билан танишар экан, бу ерда ишлаб чиқарилаётган самолётларга юксак баҳо берди. Корхона самолётларининг чиройли ва арзонлиги, замонавий технология ҳамда тўла хавфсизлик воситалари билан жиҳозлангани Покистон Президентида катта қизиқиш уйғотди.

20 октябрь куни эрталаб Дўрмон қароргоҳида Покистон Президенти Фаруқ Аҳмадхон Легҳарийни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон, мамлакатимизга ташрифининг расмий қисми якунлангач, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилди. Шу куни Фаруқ Аҳмадхон Легҳарий Самарқанддан жўнаб кетди.

Покистон Президентига Бухоро ва Самарқанд сафарларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамда Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП МК Котибиятида

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ-ОММАБОП, БАДИИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАР УЧУН, ЎТКАЗИЛГАН ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари саҳифаларида машҳур давлат арбоби, саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб, энг яхши публицистик, илмий-оммабоп ва кичик ҳажмдаги бадиий асарлар учун, танлов эълон қилган эди. Унинг шартларига кўра, мазкур рўзномаларда, 1995 йил ноябридан эътиборан, юқоридаги қарор қабул қилингунга қадар, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақида чоп этилган асарларга ҳам ушбу ижодий беллашувда қатнашишга рухсат берилди. Танловда таниқли адиблар, олимлар, журналистлар, ёш қаламкашлар ўзларининг энг яхши мақолалари, очерклари, репортажлари, мусоҳабалари, ҳикоя, шеър ва достонлари ҳамда бадиий таржималари билан қатнашдилар. Кичик ҳажмдаги бу асарларнинг кўпи газеталарда босилди. Улар, дейилади МК Котибияти қарорида, шубҳасиз, кенг ўқувчилар оммасида буюк аждодларимиз мероси билан фахрланиш, уни асраб-авайлаш, ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишга янгича муносабатда бўлиш, миллий ўзликни англаш ҳис-туйғуларини шакллантириш, истиқлол ғояларига садоқатни тарбиялаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган улуғвор ўзгаришларда фаол иштирок этишга кўмаклашишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти, шуларни ҳисобга олиб ҳамда танлов ҳайъатининг таклифлари асосида мазкур ижодий беллашувга якун чиқарди.

Шунга мувофиқ:

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ БЎЙИЧА

Биринчи мукофот архитектура фанлари доктори Пўлат ЗОҲИДОВга — «Соҳибқирон жамоли» тадқиқот-мақоласи;

Иккинчи мукофот тарих фанлари доктори Ҳамид ЗИЁЕВга — «Соҳибқирон ҳақиқати» мақоласи;

Учинчи мукофот шоир Равшан ФАЙЗ (марҳум)га — «Беринг Темур қиличин» шеърлар туркуми;

Рағбатлантирувчи мукофот газетанинг шахмат шарҳловчиси, тарих фанлари номзоди Мамажон МУҲИДДИНОВга — «Мен мулк сиёсатида тенгсиз бўлганимдек...» мақоласи учун берилди.

«ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАСИ БЎЙИЧА

Биринчи мукофот иккига бўлиниб, юридик фанлари доктори Убайдулла ТОЖИХОНОВга «Сахибкиран об управлении государством» («Соҳибқирон давлат бошқаруви тўғрисида») мақоласи ва профессор Абдулла АБДУНАБИЕВга — «Личность поистине неординарная» («Дарҳақиқат ўхшаши йўқ шахс») мақоласи;

Иккинчи мукофот таржимон Зоя ТУМАНОВАга — А. Ориповнинг «Соҳибқирон» шеърий драмаси ва Ю. Бердиевнинг Амир Темур ҳақидаги туркум шеърларини рус тилига маҳорат билан ўгирганлиги;

Учинчи мукофот ёзувчи Тоҳир ЖУЛМАТОВга — «Юность сахибкирана» («Соҳибқироннинг ёшлиги») романидан берилган парчаси;

Рағбатлантирувчи мукофот журналист Икром АХМЕТОВга — Низомиддин Шомийнинг «Соҳибқирон ва Амир Ҳусайн» («Сахибкиран и Амир Хусейн») асари таржимаси учун берилди.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК ҒОЛИБЛАР!

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ТУРКИСТОН БИРЛИГИ УЧУН

(Мустақиллигимизнинг тарихидан саҳифалар)

Туркистон бирлиги ғояси унда истиқомат қилиб келган халқларнинг азалий орзуси бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам бу ғоя барча халқларимиз учун муштарақдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб берар экан, осойишталигимиз ва келажагимиз учун фақат Ўзбекистон халқларининг бирлиги кифоя қилмайди, Қозоғистон ва Марказий Осиё ҳудудида яшовчи барча халқларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги ва бирлиги ҳам зарур, деб таъкидлади. Зеро, «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясининг асл мазмунмоҳияти ҳам ана шундан иборатдир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар тарихчиларнинг ўтмиш воқеаларга эътиборини кучайтирди. 1917 йилда Туркистон тараққиётининг туб бурилиши босқичида барча ижтимоий ва сиёсий кучлар, халқ оммасининг ҳақиқий фожиасига тўлиқ, жонли тарихини ўзида акс эттирувчи Туркистон бирлиги учун кураш тарихи бизнинг кунларда муҳим ва ҳатто белгиловчи аҳамиятга эга. 1917 йилда ўлка халқлари бирлиги масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий масала бўлиб қолди. Туркистон халқлари бирлигини тиклаш ғояси нафақат демократик зиёлилар орасида, ҳатто оддий одамлар орасида ҳам анча оммалашган эди. Ижтимоий тафовутларга қарамай, бутун Туркистон жамиятида ўлканинг мустамлака мақомини тугатишга интилиш кайфияти устувор эди.

Миллий озодлик учун бошланган ҳаракат бу ерда ҳокимиятнинг рус муассасалари билан бир қаторда «Шўрои исломия», «Шўрои Уламо», «Мирваж ул-ислом» «Мифтаҳ ул-маориф», «Равнақ ул-ислом», «Иттифоқ ул-муслимин», «Турон» ва бошқа турли мусулмон ташкилотлари пайдо бўлишига олиб келди.

1917 йил апрель ойида бўлиб ўтган Биринчи ўлка мусулмонлар съездида марказий раҳбар орган — Туркистон ўлка мусулмон Шўроси (Краймуссовет) ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Уни ташкил этишдан мақсад миллий-озодлик ҳаракатига ташкилий ва марказлаштирилган характер касб этиш учун барча парчаланган, бир-бири билан боғлиқ бўлмаган жамият, қўмита ва иттифоқларни бирлаштириш эди. Чунки, бу пайтда фақат Тошкентнинг ўзида бирор бир низом ёки дастурсиз фаолият юритаётган 200 га яқин жамият бор эди.

Демократик миллий зиёлилар халққа тушунтиришларига кўра, «Талабалар жамияти» каби шаҳар, уезд, волост мусулмон кенгашлари миллий ва синфий фарқларга қарамай, мусулмон депутатлари вилоят, уезд шаҳар бўлимларига бирлашиши, ҳаммаси биргаликда эса марказий мусулмон депутатлари Шўроси (Марказий Шўро)га бўйсуниши керак. Низом шуни аниқ тушунтирардики, Ўлка мусулмон шўроси бирор бир синф, партия ёки қабиланинг органи эмас, балки қонунчилик ҳокимияти асосида амалга оширилувчи ваколатли умуммусулмон бошқарув органи сифатида ташкил этилмоқда.

Ўлка мусулмон шўроси ўз фаолияти асосий шиорини шундай белгилади: халқнинг энг қуйи қатламлари-мардикор ва деҳқонларга ҳақиқий ҳуқуқини бериш ва Туркистон мусулмонларини маданий, илмий, иқтисодий ва ғоявий камолотга етказиш. Марказий Шўро ҳайъат аъзолари этиб Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлат Норбўтабеков ва бошқалар сайланди. Унинг ташкилий бўлимига Закий Валидий, Фарид Тоҳирий, Толибжон Мусабой, Ибн Ямин Янбаев, Муҳаммадамин Афандизода, Низомиддин Асомий, Абдусами Қори, Муродхўжа Солихўжа, Шокирхўжа Раҳимий, Тузел Жонбой, Абдулла Авлоний, Салоҳиддин Муфтизода, Пири Мурсилзода, Муҳаммадхон Пошшахўжаевлар кирди. Марказий Шўро қошида маориф бўлими ташкил этилди, унинг таркибига Мунаввар Қори, Закі Валидий, Бурхон Ҳабиб, Пўлатхон Пошшабеков, Абдулқосим Аминзода, Абдусами Қори, Рустамбек Юсуфбек, Иброҳим Тохирий, Нуширван Явушев ва бошқалар сайландилар. Шу тариқа туркистонликлар бирдамлигига муҳим қадам қўйилди: тарихда илк бор умумтуркистон миқёсида мусулмонлар съезди чақирилди, унда халқларнинг мухторияттга қатъий интилиши, ўз урф-одатлари, турмуш тарзини ҳимоя қилиши айтилди. Бу манфаатлар ифодачиси Туркистон мусулмонлари марказий Шўроси ташкил этилди. У Туркистон жамоатчилиги, айниқса унинг илғор қисми томонидан Миллий марказ сифатида тушунилди.

Албатта, бу жамиятнинг илғор кучлари ютуғи эди, бироқ воқеаларнинг ривожланиш жараёни миллий марказнинг иш шаклида ва усулларида кўп сафарбарликни, қатъийликни, дастурий ва тактик ўзгаришларни талаб этарди.

М. Беҳбудий Ватан ривожи учун хизматга чақиради. Ва бунинг учун дин ва миллатни иттифоқ этишга, ислоҳотларни ўтказишга, зиёли ва тараққийпарварларни, бой ва уламони бирлаштиришга даъват этади.

I ва II Бутунроссия мусулмонлари съездлари ишлаб чиққан қарорлар Бутунроссия миқёсида мусулмон ҳаракатини бирлаштириш учун замин бўлиб хизмат қилди. У мусулмон аҳолиси муаммоларига таъсирчанлигидан ташқари, изчил халқпарварлик ва замонавийлиги билан ҳам ажралиб турарди. Бу съездлар қарорларида акс этган мусулмон эркаклари билан аёллари сиёсий ҳуқуқларини баравларштириш, баъзи шариат меъёрларининг эмансипация томонга кучсизланишида яққол кўринди. Мусулмон ҳаракатининг сўллашишга бўлган бу мойиллиги нафақат Туркистон, балки бутун Росликка эришишга интилдилар. Ўша пайтда илғор зиёлилар фақат фанатизмга таянган, яхши тайёрланмаган ғазавот халқни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин, мустабидликни кучайтириши, қўйилган мақсаддан узоқлаштириши мумкин деб огоҳлантиришди. Бу ҳол рўй бермаслиги учун улар руҳониятга қаршилик кўрсата бошлади. Бу эса, ўз навбатида, миллий кучлар бўлинишига олиб келди, руҳониятнинг халқ оммасига кучли таъсири, баъзан очиқ ҳаракатлари туфайли тараққийпарвар зиёлиларнинг илғор фикрлари одамлар онгига етарли даражада кириб бормади ва кутилган натижани бермади. Шундай экан, уларнинг руҳониятга салбий муносабати мустақиллик учун курашдаги стратегик ва ғоявий зиддиятлардан юзага келган дейишимиз мумкин.

1917 йил июни ўрталарида миллий ҳаракат ичида парчаланишдан сўнг ташкил этилган «Шўрои Уламо» жамият аъзолари руҳониятчилар тарафдорлари бўлиб майдонга чиқди. Ўз ғоялари тарғиботи учун «Шўрои Уламо» жамияти «Ал-Изоҳ» журнали чиқара бошлади. Унинг нашр ва муҳаррири Абдумалик Хожи Набиев эди. Журналнинг биринчи сони шу йил 19 июнда чиқди. (Ҳаммаси бўлиб 31 сони чиққан).

Журнал саҳифаларида кўпгина диний масалалар, ахлоқ, маданият, ижтимоий ҳаётга бағишланган тарғибот олиб борилган. «Ал-Изоҳ» феодал турмуш, феодал объектив муносабатларни ҳимоя қилиб, тараққиёт йўлидаги янги фикрларга қарши турди. Жумладан, тараққийчилар ва консерваторларни кескин баҳсларга олиб келган аёллар эмансипацияси масаласида улар бунга қарши чиқиб, аёллар нотенглиги, кўпхотинликни ёқладилар.

Жадидларнинг «Турон» газетасида хотин-қизлар учун мактаб очиш ва уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш зарурияти ҳақида сўз борган мақолани танқид қилиб, журнал унинг муаллифини худо йўлидан тойганликда айблайди. Журнал аёл киши аёллигича қолиши керак ва уни эркакка тенглаштириш ақлсизликдир деб ёзади. «Ал-Изоҳ» Ўлка мусулмон шўроси атрофига тўпланган илғор миллий зиёлилар ҳақида нафрат билан ёзган, уни исломга хиёнатда айблаб, халқдан четлаштиришга интилган. Иш шу даражага бордики, уламочилар сартарошларга зиёлиларнинг соқолини олишни ман этди, чойхоначиларга чой беришни ман этишган.

Туркистонга бирлик зарурлигини англаб Ўлка мусулмон шўроси халққа мурожаат қилди. Бу мурожаатда шундай дейилади: «Ҳуррият бир неча миллион нуфусга молик Туркистон мусулмонларига «Эй мусулмонлар хоҳлаганингизча иш қилингиз, хоҳлаганингизни вужудга чиқарингиз» — деб қаршимизга ниҳоятда кўп ишлар қўйди. Албатта бу ниҳоятсиз кўп ишлар ва ниҳоятсиз кўп хизматлар кўмакига муҳтождир, ниҳоятда кўп миллион харажатларни хоҳлайдир. Туркистон мусулмони, туркистонлик туркий миллати бундан қирқ-эллик йил муқаддам бўлиб ўтган холларни асло унутгани йўқ. Мусулмоннинг ул вақт Бухоро, Хева, Қўқон, Қозон хонликлари каби бирбирига душман ўлкаларга бўлиниб, ниҳоятсиз низо, ихтилоф, уруш сабабли хароб бўлганин ва бунданда аҳамиятли бир маданиятсизлик, иқтисодий заифлик, миллат ишига қараганда ўзининг жонин қизғанмоқ душманларида албатта иттифоқлик, жон қизғанмассизлик ила бўлажаги маълум...

...Ҳозир худога шукр иттифоқ амалга кела бошлади. Ҳар турли шаҳарларда гарчи заиф бўлса ҳам жамиятлар ясалиб, шўролар қурулмоқ ва Тошкентда Марказий Шўрои Исломия ҳам барпо бўлди. Туркистон мусулмонлари Туркистонга сиёсий Мухторият (федерация) олмоқликка қарор берди. Шунинг учун Туркистон мусулмонини қишлоқдан ва аулдан олуб шаҳарларга ва ҳатто бутун вилоятга қадар ташкил қилиш керак».

Бунинг учун Туркистон тараққийпарварлари ўзбек, қозоқ, тожик, татар, туркман, ва қирғизларни биргаликда иш олиб боришлари кераклигини халққа тушунтира бошлашди. Уларнинг фикрича, агарда миллатлараро бирдамлик амалга ошса унда мактаб ва маориф ишлари, кутубхона ва қироатхоналар масаласи, озуқа, ғалла ва ер-сув хусусларидаги адолатсизликлар ҳал бўлади. Ўлка маҳаллий аҳолиси орасида миллий-демократик ташкилот ва жамиятлар юзага келиши, шаклланишига миллий зиёлиларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари маълум даражада таъсир кўрсатди. Улардан кўпи фаол ишлари билан Туркистонда бирликни ўрнатиш ва демократик миллий давлатчиликни яратиш мафкурасини ишлаб чиқишга улкан ҳисса қўшдилар. Улар орасида Туркистонда яшовчи миллатларнинг вакиллари бўлмиш Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Тошпўлат Норбўтабеков, Абдулла Авлоний, Аҳмад Закий Валидий, (Тўғон), Турор Рисқулов, Абдурауф Фитрат, Султонбек Хўжанов, Мирёқуб Давлатов, Вадим Чайкин ва бошқа миллий ҳаракатга бошчилик қилган таниқли маърифатпарвар, жамоат ва сиёсий фаоллар бор эди. Улар жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тузумини ислоҳ қилиш, таълим ва фанни ривожлантириш орқали дунёвий, демократик жамият барпо этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Бу, мусулмон халқларини дунё цивилизацияси, хусусан Оврупо маданиятига ошно этишнинг ўзига хос йўли эди. Бу йўл шубҳасиз, миллий ва маънавий қадриятлардан воз кечмай, ҳеч қандай зўрликсиз, секин-аста олиб бориладиган ўзгаришлар, бундан кейинги тараққиётга халақит берувчи эскирган ақида ва хурофотлардан тозаланишлар йўли эди.

Саидакбар АЪЗАМХЎЖАЕВ,
тарих фанлари номзоди.
ЎзФА фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди.

ТЕМУРНОМА

САЛТАНАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯСИ

Соҳибқирон Амир Темурнинг кўп асрлар давомида ўзидан олдин ҳукмронлик қилган давлат арбобларидан устунлиги унинг фақат кўп қиррали фаолиятигина эмас, балки янгиликка интилиши, узоқ йилларга мўлжалланган марраларни олдиндан башорат қилиш қобилиятидир. Тарихий манбаларни кузатиш бобомиз Амир Темур ҳаётида истиқболли, улкан ғоялар ва уларнинг йўналишлари билан бирга долзарб вазифалар мавжуд бўлганини исботлайди.

Амир Темур умумий стратегиясининг марказий ғояси — инсонпарварликка асосланган мукаммал жамият қуришдан иборат бўлган. «Менинг мақсадим, — деб айтган эди Темур олим ва фузалолар кенгашларидан бирида, — мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир... Агар олдин бизнинг диққат-эътиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиш учун бўлган ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир».

Амир Темур доимо иқтисоднинг сиёсатдан устун юришини ва ҳарбий масалалар иқтисодий масалалар билан боғланган ҳолда ҳал қилинишини кўзда тутган. Лекин бу қирралар орасида иқтисодий стратегия масалалари марказий ўринда тургани кўзга ташланади.

Темур давлатининг фаолиятида стратегик ва тактик муаммолар қандай ҳал қилинганлиги ҳақида «Темур тузуклари»да кўплаб мисоллар учрайди. Темур стратегиясининг шаклланиши 1370 йилда унинг Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори қилиб сайланган даврдан бошланади. Энг биринчи стратегик йўналиш — мўғуллар истибдоди қолдиқларини узил-кесил тугатиш, давлатнинг ҳарбий ва иқтисодий куч-қудратини ошириш учун ички феодал урушларига барҳам бериш, ташқи ҳужумдан сақланиш имкониятларини яратиш лозим эди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш керак эди. Ана шу вазифаларни бажаришда Амир Темур дастлабки йилларда илк муваффақиятларга эришди. «Шаҳарни, — деб ёзади, — (Тошкентни) иккинчи марта қўлимга олгандан кейин Мовароуннаҳрда менга тобеъ бўлмаган жой қолмади. Ундан кейин етти йилгача бу ерларнинг ободонлигига киришдим. Шу жумладан, Самарқандда олий даражали масжидлар бино қилдим. Шаҳарни гўзал бир тусга киргиздим. Бухоро, Тошкент шаҳарларини ҳам кенгайтириб, янги тарзда ясадим, Сайхун ва Жайхун сувларидан деҳқонларни таъминладим. Кўпгина очилмаган ерларни очиб, зироат майдонларини кенгайтирдим. Зироатчиликка кўп эътибор бердимки, ҳар қандай ерни экинсиз қолдирмаслик чорасини кўрдим, деҳқонлар ҳам мамнунлик билан бундан истифода этмоққа, маҳсулотларни кўпайтиришга кўнгил қўйди. Натижада бир дона буғдой уруғидан икки юздан тўрт юз донагача ҳосил олмоқларига эришилди. Бунинг соясида Мовароуннаҳр халқи фаровон ҳаётга улашиб, бой бўлиб кетди. 775 йил маҳсулотини қиёс қилсам шундай бўлдики, маҳсулотга омборлар тўлиб кетганидан ўлтиратурган уйларига ҳам буғдой тўлдирмоққа мажбур бўлдилар. Кўп маҳсулотни йиғиштиришга одам етишмай, қиш кунлари қор остида қолиб кетган маҳсулотлар ҳам кўп бўлди».

Дастлабки эришилган тактик ютуқлар Амир Темурни янгидан-янги стратегик йўналишлар бўйича чуқур мулоҳазалар юритишга илҳомлантирди. Шу муносабат билан Темур Мовароуннаҳрда кучли марказлашган давлат ҳокимиятини яратиш иқтисодий мукаммал стратегиясини ва тактикасини ишлаб чиқди. Бу стратегияни амалга ошириш учун биринчи навбатда давлатни бошқариш девонлари (идоралари) ишини қайта қуриш керак эди. Илгари давлат маҳкамалари асосан бир иқтисодий вазифа — аҳолидан олинадиган солиқ ва йиғимларни тўплаш, уни хазинага топшириш масаласи билан шуғулланар эди. Мўғуллар замонида бу вазифа узоқ вақт йирик савдогар Маҳмуд Яловачга топширилган эди. Амир Темур таклиф этган бошқариш стратегиясида марказий ва маҳаллий идора тизимида 7 вазир, шу ҳисобда марказий девонда 4 вазир иш олиб борадиган бўлди. Илгари вазирлар фақат ҳуқуқий масалалар билан шуғулланган бўлсалар, эндиликда уларнинг фаолиятида иқтисодий масалаларга катта ўрин берилди. Салтанатнинг марказий маъмурияти бош вазир — девон беги бошлиқ етти вазир ўртасида меҳнат тақсимоти барпо қилинди. Вазирлар вилоят ва мамлакатларда тўпланадиган ҳосил, солиқ ва ўлпонлар, мамлакатнинг ободончилиги, ҳунармандчилик, тижорат ишлари, чорвачиликдан келадиган даромадлар ва бошқа вазифалар билан шуғулланадиган бўлдилар.

Бу ўринда тўртинчи вазирни — салтанат ишларини юритувчи, яъни молия ишлари вазири бўлиб, у давлат хазинасидан сарфланадиган харажатлар, умуман, салтанат киримчиқимларини бошқарганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Бу тўрт вазирдан ташқари улуслар, вилоят ва туманлардаги маъмурий ходимлар маҳаллий 3 вазирга итоат қилгани ва улар ўртасида ҳам меҳнат тақсимоти амалга оширилганлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Одатда бир мамлакат иккинчи мамлакат таркибига кирганда ҳукмдорлар фуқароларга оғир солиқлар жорий қилган, бир йўла контрибуция тўлашга мажбур қилинган. Амир Темур бундай усулларни қўлламаган, солиқларни оғирлаштириш эмас, уларни ихчамлаштириш, ночор, камбағал деҳқонларга турли енгилликлар беришга ҳаракат қилди. Биз Амир Темурни жаҳонда солиқлар назариясининг дастлабки тадқиқотчиларидан бири, деб кўрсатмасак, хато қилган бўламиз.

Амир Темур мамлакат молия тизимини яхшилашда ва такомиллаштиришда фақат солиқлар билан чегараланмасдан, балки хазина маблағларининг сарфланиши устидан ҳам назоратни кучайтирди, уларни мамлакатнинг ободончилиги, юрт фаровонлиги, илм-фан, маданий ва диний тадбирларга кўпроқ маблағ ажратишга, мамлакат иқтисодиёти ва маданиятини юксалтириш тадбирларига қаратди. Агар Темургача ўтган давлат тизимларида бу харажатлар тасодифий ҳол деб қаралса, Темур бу харажатларни, айниқса, ижтимоий ҳимоя харажатларини доимий харажат йўналиши таркибига киргизди. Бу ўринда Темур томонидан ҳисоб-китоб ишларини яхшилашга, кирим-чиқимларни ҳисоблашни такомиллаштиришга, харажатларни нормаллаштиришга, иш ҳақини тартибга солишга қаратилган тадбирларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Темур стратегиясида шаҳар ободончилиги ва савдо-сотиқ масалаларига алоҳида эътибор берилганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Савдо-сотиқ, ҳунармандчиликни ривожлантириш учун Темур шаҳарларда савдо ва ҳунармандчилик расталари барпо қилди. Самарқанд йирик жаҳон савдо марказига айланди. Агар илгари ташқи савдо қароқчиларнинг даромад манбаларига айланган бўлса, Темур карвон йўлларидаги қароқчиларни кескин чоралар асосида тугатиб, хорижий савдогарлар хавфсизлигини таъминлади. Шу билан бирга чегара туманларида божхоналар барпо қилиб, ташқи савдодан олинадиган даромадлар ҳисобидан хазинани кучайтиришга эришди. Бундан ташқари халқаро савдо-сотиқ ва мамлакатларо тинчлик ўрнатиш воситаси сифатида қараб, Европа мамлакатлари —Англия, Франция ва бошқа давлатлар билан савдо алоқаларини кучайтиришга ҳаракат қилди.

Амир Темур иқтисодий стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири фақат Мовароуннаҳр доирасидагина эмас, балки унга тобеъ бўлган 27 мамлакат фуқароларининг иқтисодиётини ва маданиятини юксалтиришга интилишдир.

Темурнинг Мовароуннаҳрдан ташқари мамлакатларда ҳам ободончилик ва маданий ишларни амалга оширгани ҳақида Шарофуддин Али Яздийнинг Бағдод шаҳри ҳақидаги ёзганлари айниқса, қизиқарлидир. «Бир йил мобайнида, — деб ёзади Яздий, — Бағдод шаҳрини тиклаш ҳақида буйруқ берилди, токи шаҳар яна ўз қиёфасини олсин, унда ҳунармандчилик ривожлансин, теварак-атрофда деҳқончилик ўссин, савдо-сотиқ ва маданий ҳаёт кенг тармоқ ёйсин, ислом дини илгаригидай ёйилсин».

Амир Темурнинг иқтисодий стратегияси кенг ва мураккаб, биз уларнинг айрим қирраларини баён қилдик, холос. Бу стратегия олимлар томонидан юксак баҳоланган. Улкан тарихшунос олим А. Ю. Якубовский Темурни XI асрда ўтган Маҳмуд Ғазнавий билан солиштириб бундай деган эди: «Султон Маҳмуд бошқа мамлакатлардан ўлжа сифатида йиғиб келган беҳисоб бойлик ғазнавийлар давлатининг хўжалик ишларига сарфланмади. Темур — бошқа гап. У яхши ҳисоб-китоблик хўжайин эди. У Мовароуннаҳрга нафақат турли-туман моддий бойликларни, балки ҳунармандлар, мусаввирлар, меъморлар ва олимларни ҳам олиб келди. Тўғри, Мовароуннаҳрнинг ўзи мутахассис ва олимларга бой эди. Лекин фан ва маданият арбоблари, ҳунармандлар қанча кўп бўлса, ҳунармандчилик, маданият ва илм-фан ҳам шунча тез ривожланади, деган ўй билан шундай қилди».

Атоқли олим Якубовский томонидан берилган баҳо Амир Темур стратегиясида фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини кучайтириш тамойили муҳим ғоялардан бирига айланганлигини кўрсатади. Шу билан бирга Амир Темур ўз стратегиясида фан билан ишлаб чиқариш алоқасининг кенг ривожланиши келажакда буюк сифат ўзгаришларига олиб келишини чуқур мулоҳаза қилганидан дарак беради. Тажрибамдан кўргандимким, — деб ёзган эди Амир Темур, — азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тажрибасиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб одамга иш буюради. («Темур тузуклари», 25-бет, 1996 й.)

Темурнинг бу умумлаштиришлари муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан Президентимиз И. А. Каримовнинг республикамиз ихтиёридаги илмий мерос ҳақидаги сўзлари айниқса диққатга сазовор. «Биз қандай улуғ мероснинг ворислари эканимизни унутмаслигимиз, ана шу буюк меросни халққа етказишимиз керак», — деган тавсиялари доимо диққат марказимизда туриши керак.

Ҳикмат СОБИРОВ,
Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори.

Жиззах. Амир Темур дарвозаси.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

Миллат ва маънавият

ҲАДИС ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

Тарихнинг бурилиш нуқталарида башар фарзандлари дунёга келадилар. Ва, улар қолдирган ойдин излар асрлардан асрларга шамчироғ бўлиб ёнадилар.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги муносабати билан газетамиз жамоаси рўйи замин сайқали қадим Самарқандга зиёрат сафарига бордик. Бундан истак, буюк муҳаддис имом Исмоил ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилишдек муборак мақсад эди.

Яна бир қутлуғ хабар — буюк Ватандошимиз ҳақида биринчи китоб нашр этилди. Кунларнинг солиҳи ўтган жумада, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг эзгу ташаббуси билан мазкур китобга бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг аҳли фузалолари, илм уламолари иштирок этдилар. Анжуманни очар экан, марказ раҳбари Неъмат Аминов «Келинглар, азизлар, шул азиз зотнинг руҳи-покларига бир Қуръон тиловат қилайлик» деганда жами аҳли анжуман ҳаяжонга тушди. Ахир бурунги тузумда, бу гапларни айтиш мумкин бўлмаганлиги, бу кунлар бир ҳурлик, бир озод давронлигини ҳамма юрак-юракдан ҳис этди. Имом ал-Бухорий ҳақида ўнлаб мақолалар ёзган олим Убайдулла Уватов «Биз бу эзгуликни ниҳоятда кеч бошлаган бўлсак-да, аммо, айни савоб иш қилдик» дея чексиз ҳайрат билан таъкидлади. Китобнинг таржима ва изоҳлар муаллифи Саид Азим Муҳаммад Али «Мен бу китобнинг бирон сатрини ҳам таҳоратсиз ёзганим йўқ» деганида барча-барчанинг руҳи бир лаҳзага гўё ҳалдан фориг бўлди.

Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маданият янгиликлари

САРКАРДА НОМИДАГИ БОҒ

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Урганч шаҳридаги «Ором» маданият ва истироҳат боғи Амир Темур номи билан аталадиган бўлди. Боққа Амир Темур бюсти ўрнатилди.

ЯНГИ АСАР ТАҚДИМНОМАСИ

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят ўзбек давлат драма театри Салоҳиддин Сирожиддиновнинг «Соҳибқирон Амир Темур» номли тарихий драмаси асосида қўйилган спектакль премьерасини намойиш этди. Уни режиссёр Анвар Азимов саҳналаштирган. Театрнинг мазкур асари бухоролик санъат шинавандалари учун ҳақиқий байрамона туҳфа бўлди.

Мухтасархон КАРИМОВА.

ҚИШЛОҚ ҲАНГОМАЛАРИ

— Ҳазия момо, ҳу бирда балиқ қовурганингизни гапириб беринг.

— Ҳи, эслатманг.

— Айтинг, қизиқ-да...

— Ҳа, ўшанда қишлоқда ҳар куни томсувоқ ҳашари бўлгичиди. Бизникида буладиган кун чолим қаерданам балиқ кўтариб келди. «Кампир, ҳар куни ош еявериб, тоза меъдага урди. Бугун ҳашарчиларни балиқ билан бир сийлайик» деди. Дарров катта қозонни осиб, ўт ёқдим. Балиқни тузлаб, майдаласам, битта тобоқ тўлмади. Беш-олти ҳашарчи эркакка бу не бўлади, дедим. Ярим пақир картошкани ювиб, майдалаб, балиққа қўшиб қовурдим. Қип-қизил бўлди. Қанчаям вақт ўтди, уй шипираётсам, елкамга биров нуқиди, денг. Қарасам, чолим. Ҳезланиб турибди. «Вой, нима бўлди?» деб кўнгил сўрадим. «Бор, балиқ билан картошкангни ўзинг е!» деди-да, чиқиб кетди, ўргилай. Кейин эшитсам ҳашарчилардан бирови балиқни ошалаб еб, томоғига... Вой, мен қайдан билибман, биров айтмаган бўлса, ўргилай! Балиқ ҳам гўшт-ку, ҳали дебман-да...

***

Шодиқул бова автобусда ястаниб ўтириб кетаётса, ёнида тик турган йигит дабдурустдан гап ташлабди:

— Бова, автобус ёнида мошин-пошин йўқми?

— А? Мошинми, ҳозир...

Бова ойна томон ўгирилиши билан гурр этиб кулгу кўтарилибди. Бова дарров ўзига келиб, ёнидаги йигитни беозоргина қойибди:

— Сенам эшитибмидинг, тирмизак!

Хуллас, шу бова бир куни қишлоқ йўлида машинага ўтирган. Шофер бир жойда бурилаётиб, ўзи эринганми, «Қаранг, бобой, йўлда машина йўқмикин?» депти. «Йўқ, болам, ҳайдайвур» депти бова. Бир пайт машинага нимадир қарсиллаб келиб урилибди. Қарашса, мотоцикл экан. Шофер эшитадиганини эшитибди, мотоциклни турғазиб, эгасини «рози» қилиб, сўнг машинасига қайтибди. «Нега сўраганимда айтмадингиз?» дея бовани жеркиб берибди.

— Ҳов, — депти бова бўш келмай. — Сен мошин дедингми, дединг. Қари бўлсамам, мошин билан мотосекилнинг парқига борсам керак ҳали!

***

Жупор момонинг отини ўзгартганини эшитмаган чиқарсиз. Унда айтай. Шу Жупор момо туғилаётганида онаси нақ бир ўлимдан қолган экан. Шунда Жуфора деган бир татар хотин доялик қилиб, онаниям, чақалоқниям асраб қолган. «Қизимга сиззи отингизни қўяман» депти ҳушига келиши биланоқ шўрлик она. Айтганини қипти. Э, қишлоқда ким ҳам келиштириб уни Жуфора деб атарди, ўзига осонини айтади-да. Шу-шу Жупор момо қай бир йили отини ўзгартмоқчи бўпти. «Отингизга уйқашроқ бўлса, одамлар тез ўрганишади. Баҳор бўлақосин» дейишибди» райзагсдагилар. Бир қанча қоғозлар қораланибди. Аммо, кейин қизиқ бўпти. Буниси Баҳор деса, униси«ким у, Баҳор?» дермиш. Шунда буниси «Э, анави отини ўзгартган Жупор-да» деярмиш.

— Отимни ўзгартмай мен ўлай. Ўзимники яхши эди, — дермиш момо ҳали-ҳали...

***

Бўривой сартарош ўз ишига пишиқ. Ҳар бир мижозидан ўзининг айтишича «пайрайскурат» бўйича ҳақ олади. Лекин, қишлоқликлар «ўзимизнинг одам дейишадими, боласига озгина пул бериб сартарошга жўнатаверишади. «Пулинг жуда камку» дейди сартарош болани курсига ўтқаза туриб. «Отам ҳали маош опкемадилар» дейди бола ўргатилганидек қилиб. Шунда сартарош боланинг сочини ярмигача тап-тақир қилиб оладди-да, устарани чўнтагига солиб қўяди. Сўнг болага дейди: Бор, ўғлим, отанг, маош опкеганида кесанг, сочингнинг буёғиниям олиб қўяман!»

Қулинг, умрингиз узаяди

Тўпловчи: Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Ўзбекистон — автомобилсозлик мамлакати

АСАКА МАШИНАЛАРИНИНГ МИЖОЗЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

БУХОРО. Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг кўчаларида бугун «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган енгил машиналар кун сайин кўпайиб боряптики, буни кўриб кўз қувонади. Кўп жиҳатдан қулай бўлган ўзимизнинг гўзал машиналарни сотиб олувчилар ҳеч иккиланмай «Асакабанк»нинг Бухоро бўлимига келмоқдалар.

— Бизга июль ойидан бошлаб машиналар кела бошлади, — дейди бўлим бошқарувчиси Маҳмуд Бақоев. — Шуниси қулайки, мижозлар бир соатнинг ўзида машинани расмийлаштириб олиш имкониятига эгалар. Шу кунгача турли русумдаги Асака «тойчоқ»ларини сотдик. Шундан 18 таси нақд пулга сотилди.

— Бизда барча эҳтиёт қисмлар етарли, — дейди «Бухороавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳодир Ибрагимов. — Ҳаммасини Жанубий Кореядан олганмиз. 48 киши машиналарга техник хизмат кўрсатаётир. Шулардан 11 нафари Кореяда малака ошириб келган. Хизмат кўрсатишда муаммо йўқ десам ҳам бўлади. Бухороликлар янги машиналарни сотиб олишда давом этмоқдалар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОСМОН ҚАДАР ШУҲРАТ ТИКЛАНСА...

Буюк бобокалонимиз ҳаётини, унинг буюк давлати ва даврини урганиш, у билан боғлиқ қадриятларини қайта тиклаш, халқимизни, миллатимизни унинг муносиб вориси қилиб етиштириш асосан ёшларни шу руҳда тарбиялашдан, қолаверса, мактаб остонасидан бошланмоғи керак. Аммо мактабларимизда шу йўлдаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Урта мактаб дастурида Амир Темур ва унинг давлатини урганишга кам соат ажратилган. У ҳам қуйи таянч синфларида. Айрим ташаббускор, ижодкор ўқитувчилар такрорлаш, ўлкани ўрганиш, экскурсия дарслари, синфдан ташқари ишлар ҳисобига бу кемтикни тўлдиришга уринсалар-да, бу тадбирлар ҳали етарли эмас. Шунинг учун ҳам республика миқёсида бир қатор тадбирларни амалга ошириш фойдадан холи эмас. Чунончи, аввало барча умумтаълим мактабларида ҳунар-техника билим юртларида Соҳибқирон ва унинг даврини ўрганишга бағишланган дарс соатлари миқдорини кескин ошириш керак. Шунингдек, қисқа муддатда Амир Темур ва унинг давлати фаолиятини акс эттирувчи диаграмма, комплектли-тарқатма материаллар нашр этиш зарур.

Ахир, бир вақтлар бизнинг шон-шуҳратимизни осмон қадар кўтарган бобомиз олдида ҳам қарздорлик ҳиссини юракдан ҳис қилишимиз керак-да!

Қилич ТЕМИРОВ,
Навбаҳор туманидаги Қорин-Ниёзий номли 3-ўрта мактаб ўқитувчиси.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР



КОБУЛ (Би-би-си). «Толибон»чилар шаҳарга бир неча ракета зарбалари билан ҳужум қилаётган ҳукумат қўшинларини қайтариб туришибди.

Мамлакат пойтахти яқинидаги Баграм стратегик муҳим ҳарбий авиабазасига, «Америка овози» радиостанцияси шоҳидларнинг гувоҳлигига кўра хабар қилишича, ҳукумат қўшинлари қўлида турибди.

КОБУЛ (Си-эн-эн). Афғон ҳукумат қўшинлари мамлакат пойтахтидан бир неча миль нарида туриб қарийб уч ҳафтадан буён тўхтовсиз ҳужумларни қайтариб турган «Толибон» бўлинмаларига қарши курашни кучайтирмоқдалар.

Афғонистондаги қарама-қарши томонлар раҳбарлари, шу жумладан «Толибон» ҳаракати етакчилари ҳам, **Рейтер** хабарига кўра, музокаралар олиб боришга тайёр эканликларини билдиришмоқда. Бироқ асосий шарт— Кобулни ташлаб чиқиш ҳақидаги ультиматум бажарилмаяпти. Пойтахтдан узоқ бўлмаган жойдаги ўзаро жанглардаги муваффақият гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда бўлган ҳолда давом этяпти.

АФҒОНИСТОН (Франс-Пресс). Кобул атрофида турган ҳукумат қўшинлари толиблар билан «урушни тўхтатиш ҳақида» келишувга тайёр эканини билдирмоқда.

Афғонистондан Рейтер агентлигининг хабар қилишича, толибонлар ва ҳукумат қўшинлари қумондонлиги раҳбарлари генерал Дўстумнинг қарама-қаршиликнинг барча линиялари бўйича «ўт очишни тўхтатиш тўғрисида»ги таклифига розилик билдирдилар.

ОҚ УЙ БАЁНОТИ

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат департаменти Белоруссиядаги воқеаларга доир баёнот берди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Қўшма Штатлар Белоруссия ҳукумати билан бу мамлакат беш йил олдин мустақилликка эришгандан буён фойдали дўстлик алоқаларини босқичма-босқич ривожлантиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Қўшма Штатлар Белоруссияни демократик ва бозор ислоҳотларини ривожлантириш йўлидан борувчи давлат сифатида кўришни истайди. Бундай дадил қадамлар Белоруссиянинг замонавий Европа сиёсий ва иқтисодий ҳаётига қўшилишига олиб келади ҳамда халқаро савдо-сотиқ ва инвестиция кўмагидан фойдаланиш имконини беради...

Биз Президент Лукашенкони мамлакатда асосий инсон ҳуқуқларини, демократик жараённи, фундаментал эркинликни ҳимоя қилишни таъминловчи ва зўравонликни мустасно қилувчи ўзаро келишувчилик йўлини топишига ундаймиз».

КОМПЬЮТЕРНИ КИМ ЯРАТГАН?

Массачусетс штати. Кембриджлик истеъдодли математик Ховард Эйкен компьютернинг асосчисидир. Одатда дунёда энг биринчи кашф этган шахсларнинг донги тез тарқалади. Лекин Эйкен компьютернинг отаси эканлигини ҳаммамиз ҳам билмаймиз. Унинг шахсий ҳаётидаги баъзи бир воқеалар жуда ғалати. Ғалати тугул, афсусланарлидир.

Гап шундаки, у дастлабки улкан компьютер механизмини яратганда ҳеч қачон бу ихтироси қачондир бутун дунёни забт этишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди.

Эйкен 1900 йилда Гарвардда дунёга келди. У болалик чоғларидаёқ мураккаб математик амалларни хаёлан «бажарарди». Фавқулодда истеъдодли эканлигини ўшандаям кўпчилик пайқамаганди. Лекин у буюк ихтиро муаллифи бўлиб етишди.

Тарихчи олим, доктор Уильям Мак-Нейр ўзининг «Компьютер ҳақидаги фактлар» китобида Ховард Эйкеннинг кашфига юксак баҳо бериб: «Математика даҳосига бу машинаси гўё яшашига мадад берарди», — деганди.

Эйкен яратган машинасининг хомаки лойиҳаси билан ЭВМ фирмасининг президенти Томас Ватсон ҳузурига келади. Дастлабки бу машина бухгалтер ҳисобига мўлжалланганди. Лойиҳани Ватсон қўллаб-қувватлади. У муаллифга 500 миллион доллар ажратди. Шу тариқа 1944 йилнинг

Машҳурлар ҳаётидан

август ойида биринчи марта рақамли универсал компьютер дунёга келди. Компьютернинг доврўғи бутун оламга ёйилди. Унинг баландлиги 2,4 метр, узунлиги эса 15,3 метр эди.

Муваффақият не-не жаҳонгирларни эсанкиратмаган, ғалаба эса кимларни масрур этмаган. Балки ўшанда Эйкен ҳам шон-шуҳратдан гангигандир. Йўқса, буюк тилсимот яратган олим арзимаган хатоси учун умр бўйи назардан қолиб, фақирона ҳаёт кечирармиди?

Ҳа, жаҳонга доврўғ солган компьютер асосчиси жиндек хатога йўл қўйди. Яъни у тантанали очилиш маросимида ЭВМнинг ғаргабати ҳақида «йўл-йўлакай», «шунчаки» гапириб ўтди, холос. Ватсон ўзини ҳақоратланган ҳисоблади. Шериклар сал қолди муштлашиб кетишига.

Президент дарҳол қўл остидаги ихтирочи олимларга компьютерни такомиллаштиришга, «қўшимча вазифалар» юклашга, ҳажмини эса кичиклаштириб, ишлаб чиқаришга буйруқ берди. Шундан сўнг фирма компьютерларнинг турли хилларини ишлаб чиқара бошлади.

Эйкенга келсак, кашфиётчи олим, бугунги компьютер асрининг даҳоси бир чеккада қолиб кетди. Компьютерчини компьютер олами «унутди». Бугунги кунда билмайди ҳам унинг номини кўпда. У 1973 йилда оламдан ўтди. Компьютерга келсак. Кўриб турибсиз, бугунга келиб инсониятдан ҳам «илгарилаб» кетди.

«ҚИШЛОҒИМИЗДА ТЕННИС КОРТИ ҚУРАМИЗ»

— дейди Қумқўрғон туманидаги «Ибрат» маҳалласи раиси Маҳмуд Алиев

Ёши қирқни қоралаб қолган бўлса-да, Алиев яхши гапни, янгиликни эшитса, болалардай дўпписини осмонга отиб, қувонади. Яхши гапни оғзидан тушириб, кўрган-билганларига уқтиргани-уқтирган. Бир мисол. Республикамиз Мустақиллигининг беш йиллик байрами кунлари узоқ йўл тортиб, Термиз шаҳрига борди. Шарқ ва Ғарб меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассамлаштирган 2 минг ўринли мўъжаз иншоот теннис корти қурилаётганидан хабардор эди. Шу даргоҳни бориб кўрди. Икки минг йилдан зиёд тарихга эга кўҳна Термиз шаҳри мустақиллик шарофати ила бўйига ўсгани — шаҳарда 16 қаватли ҳашаматли маъмурий бино қад кўтаргани Алиевни тағин қувонтирди. Ва уйига қайтгач, ҳамқишлоқларига: «Э, насиб этса, «Ибрат»да (қишлоғимизда, демоқчи) биз ҳам теннис корти қурамиз», — деди.

Теннис деган нарсани ҳозирча фақат телевизордан кўрган ибратликлар Алиевнинг бу гапига эътироз қилмадилар. Эътироз қайда, бу гапга ишонмадилар. Чунки, Алиевга маҳалладагилар ишонадилар.

Соғлом авлод учун

Ўн йил илгариги гапни олинг. У пайтлари гузару маҳалла раиси деган гаплар йўқ эди. Алиев, мактабнинг рус тили ўқитувчиси келинглар, стадион қурамиз, деди. Ёшлар унга эргашди. Чим ташиб, четларига оппоқ ҳошиялар тортиб, яхшигина футбол ўйингоҳи қурдилар. Бир неча йилдирки, ўйингоҳда маҳаллаларо футбол турнири ўтказилянти. Бу йилги турнирда, масалан, 10та қишлоқ футбол жамоаси иштирок этди. Ғолибларга пул мукофотлари, эсдалик совғалари, туман спорт идорасининг дипломлари берилди. Баҳриддин Амиров бошлиқ қурилиш жамоаси, Хўжаикон ичимлик сув таъминоти бошқармаси, «Ўктам» ва «Равшан» тижорат дўконлари турнир мусобақаларига ҳомийлик кўрсатди. Яна бир гап. Маҳалланинг ярим гектар томорқаси бор. Етиштирилган турли зироатлар сотилиб, пули маҳаллани ободонлаштиришга, бирон-ярим одамларга моддий ёрдам кўрсатишга ишлатилади. Алиевнинг айтишича, томорқани кенгайтирадилар. Ва эҳтимол, ундан олинган фойдасига... теннис корти қурадилар.

Кўрдингиз, Алиев бирон режани ҳуда-беҳуда хаёлига келтирмайди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ибрат

«ЭҲ, БУ ҚУРҒУР СОҚОЛ»

Қариялар орасида самарқандлик Амир бобо Иноятовдек «профессионал» югурувчиларни кам учратасиз. Етмиш ёшни қоралаган бу қария ҳамон спорт билан шуғулланади.

— Ҳар куни эрталаб 8-10 километргача югураман, — дейди отахон, — 80-100 метр масофага бир оёқлаб юраман. Турникда 30 марта тортиламан. Олтмиш ёшимда спорт мени ўзига ром этди. Нафақага қадар 38 йил бошқа соҳада — монтёр бўлиб меҳнат қилдим. Ўша кезларда ҳам симёғочларга ёрдамчи қайишларсиз тирмашиб чиқардим.

— Лекин кейинги пайтда менга бир нарса сал қийинчилик туғдирмоқда, — дея давом этади Амир бобо, — у ҳам бўлса бу қурғур соқол турникда машқ қилган чоғим халақит қиляпти.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

СУРАТДА: Амир бобо Иноятов ёшлар билан машғулотда.

ЛАЙЛАКЛАРИ КЕТМАЙДИГАН ЮРТ

Улар бу юртларни Ватан тутишганига анча бўлган. Қизилровотлик олтмиш бешни қоралаган Туйипжон момо Урозбоева болалигида ҳам бор экан, улар. Шимолий Фарғона канали қурилгандан кейин муқим яшаб қолишди. — Уттиз йиллар бўлди-ёв, — эслайди момо. — Қиш қаттиқ келди. Қуринмай қолишди. Наҳот қайтишмаса, деб бутун маҳалла ёзни саросима билан кутдик. Шукр қайтишди, бошқа учиб кетмадилар.

Уларга ерли халқ жуда ўрганган. Экзотик назар билан эмас, замин, фалак, табиат муқаррарлиги каби қарашади.

— Лайлакларми, — дейди симёғочдаги уяга тикилиб косонсойлик ўткинчи, — улар қишинёзин шу ерда. Кетишмайди.

Поп тумани Қўштепа қишлоғининг овлоқ чеккасида эски боғ бор. Дарахтлари тарвақайлаб кетган. Шу жойда ўттиздан ортиқ оиласи яшайди. Тун-тонг билан алмашди, дегунча бу ноёб қушлар ўзларини қишлоқда — одамлар бағрига уришади.

— Озгина қуринмай қолса ўғилларим «Лайлакларимиз йўқ, буви» деб қидиришади, бояқишлар, — дейди шу қишлоқлик тўрт фарзанднинг онаси Олмахон Абдураҳмонова.

Шу тариқа вилоятнинг Жийдакапа, Алами, Тергачи, Қўштепа сингари ўнлаб қишлоқларида қушлар оламининг серсавлат вакиллари яшамоқда. Яшаш тарзи оддий. Қишлоқдаги энг баланд дарахтга, юқори кучланишли электр тармоғи ўтган симёғочларга ин қуришган. Симёғочни ватан тутган лайлакларни безовта қилиб ҳам туришади. Албатта, одамлар.

— Монтёрлар баҳор ойларида инларни бузиб ташлашади, тўк ўтказмай қўяди, дейдимией, — кўрганларини ҳикоя қилади Туйипжон момо. — Лекин узоғи билан бир ҳафтада ҳар бир оила худди ўзи ўтирган исталбаларга яна уя қуриб олади...

Ҳатто жонивор ҳам хархаша қилишларига қарамай Ватан, деб танлаган гўшасидан кечгиси йўқ.

Ишқилиб она-юртимиз тинчлиги, осудалиги тоабад бўлсину, ватандошларимиз қалби табиат ошуфталигида товланаверсин.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шунақасиям бўлади

Йўлбарс ортган самолёт

ПАРИЖ. Орли аэропортига Африкадан навбатдаги рейсдан «Боинг 747» юк ташувчи самолёти қўнди. Аэропорт хизматчиси Элейн Бок хизматига ошиқди. «Юк» ортилган контейнер — эшигини очувдиямки, баҳайбат йўлбарс унга отилди. Йўлбарснинг наърасидан шўрлик Элейн беҳуш бўлиб йиқилди.

Саша лақабли йўлбарсни Жанубий Африкадан Франция ҳайвонот боғига олиб келишаётганди. Одатда йиртқич ҳайвонларни «ортиш»дан аввал улар ухлатиб қўйилади. Негадир Саша «уйқу»дан вақтлироқ уйғониб олди. То парвоз тугагунча қафасдан чиқиб, тинчгина ўтираверди. Экипаж аъзолари унинг уйғоқлигини пайқашмадиям. Қоронғу «уйда» ўтирган Саша ёруғлик тушиши билан қўрқувдан ўзини унга отганди...

— Ҳаётимдаги энг даҳшатли воқеа шу бўлса керак, — деб эслайди Элейн клиникадан чиққач. — Сашани эса ҳайвонот боғига олиб бориш Африкадан олиб келишдан ҳам машаққатли бўлди. Ҳар кўрганда у менга қаттиқ даф қилади-я? Гўё уни мен «тутиб» келгандек.

Саша-йўлбарснинг эса тутқунликдаги биринчи одам билан тўқнашуви Элейн билан бўлганди-да.

«МЕРИДИАН-А» фирмаси

ISTIQLOL

табиий ва шифобахш «Истиқлол» Тошкент маъданли сувини таклиф этади.

Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.

Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан

Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.

Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Раҳимов кўчаси, 3-уй.

Телефонлар: (3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.

Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари» санаторийси

Обуна-97

«МАЪРИФАТ УЙИ»ДА «МАСЛАҲАТ ОШИ»

Андижон шаҳридаги «Тожик маҳалла»да ҳудудий бошланғич партия ташкилотининг шаклланганига ярим йил бўлди холос. Хосиятхон Аҳмедова етакчилик қилаётган бу ташкилотда яхши бир одат бор эканки, ойда бир марта партиядошлар ўзлари ташкил қилган «Маърифат уйи»да маҳалла фаоллари иштирокида йиғилиб туришар экан. Куни кеча биз ҳам обуна мавсуми муносабати билан ўтказилган «маслаҳат оши»да ЎзХДП Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби Зулфияхон Шокирова билан бирга қатнашдик.

Хосиятхон Аҳмедова шу куннинг ўзида ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ҳисобидан 1997 йил учун маҳалладошлардан беш кишини «Ўзбекистон овози»га ва унинг иқтисодий ҳафталик иловаси — «Осиё бозори»га ҳам беш кишини обуна қилганини айтди. «Озодлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси 75 ёшли отахон Паттаржон Абдуллаев, «Ёрбоши» ҳудудий бошланғич партия ташкилот котиби Икромжон Буважонов, «Ўзгариш» маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Муқимжон Абдукаримов, «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Қамбаровлар ҳам «Ўзбекистон овоози» ва «Осиё бозори»га ҳозиргача беш нафардан маҳалладошлари обуна бўлганини қайд этишди. Яхши маҳалла ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби, тадбиркор Муҳаммаджон Қодиров эса партиянинг беш йиллиги арафасида 10 кишига «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» учун обуна квитанцияларини мукофот тарзида топширишини айтди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

VOA Voice of America

Дунё аҳволидан тўлиғи билан хабардор бўлишни истасангиз, „Америка овози" радиосининг 19.7 ва 25.3 қисқа тўлқинли метрларда ёки 11835-15185-15245 килогерцларда Тошкент вақти билан соат 20.00 да ўзбек тилида бераётган эшиттиришларига диққат-эътиборингизни жалб этамиз.

Ер юзидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ахборотларни ўз вақтида, холисона ва тўлиғи билан соат 20.00 да берилаётган ўзбек тилидаги эшиттиришлардан билиб олиш мумкин. Ўзбек тилидаги радиоэшиттиришлар 19.7 ва 25.3 қисқа тўлқинли метрларда ёки 11835-15185-15245 килогерцларда берилади.

Диққат, обуна бошланди!

Муҳтарам газетхон!

Мана қариб бир йилдирки, "Ўзбекистон овози" газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси бўлган "ОСИЁ БОЗОРИ" рўзномаси мунтазам хонадонингизга кириб боряпти. Ушбу газетага 1997 йил учун обуна бошланди.

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс : 64742 (якка обуначилар учун)			
1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)			
1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

"КЎМИР"

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АЪЛО СИФАТЛИ ҚАТТИҚ ЁҚИЛҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАДИР!

"Ўзбеккўмир"

фирмаси турли маркадаги кўмирларни СОТАДИ

шунингдек, тошкўмир брикетларини ва қадоқланган кўмирни Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида жойлашган ёқилғи-савдо корхоналарининг вилоятлардаги улгуржи-чакана савдо омборларидан келишилган, арзон баҳода етказиб беради.

Хак тўлаш усули турлича:

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Нукус шаҳрида 3-26-11
Андижон шаҳрида 4-33-58, 4-54-59, 4-28-40
Бухоро шаҳрида 5-76-64
Жиззах шаҳрида 4-45-67
Қарши шаҳрида 4-48-10, 2-21-28
Наманган шаҳрида 3-75-48, 3-76-41
Навоий шаҳрида 4-52-11
Гулистон шаҳрида 25-48-56
Самарқанд шаҳрида 35-03-17, 31-15-61
Термиз шаҳрида 4-95-60, 4-95-62
Фарғона шаҳрида 24-53-79, 24-33-59
Урганч шаҳрида 6-41-05
Тошкент шаҳрида 44-53-54, 44-35-93, 41-78-40, 41-78-41.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0563

Босишга топшириш вакти 21.00. Топширилди 23.00

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА